

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР
УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА
БЕРИШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент – 2024

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартиби бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024 й. – 39 б.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартиби бўйича услубий қўлланма Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотларидаги ходимлар ва ердан фойдаланувчи шахслар ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш, иккиламчи ижарага бериш тартиби, ер ажратиш билан боғлиқ ислоҳотлар ҳамда ердан самарали фойдаланиш орқали ёшлар даромадларини ошириш тартиби содда тилда кўрсатиб ўтилган.

Ушбу услубий қўлланма **тавсиявий хусусиятга** эга.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024 йил

МУНДАРИЖА

<i>Кириш.....</i>	<i>4</i>
<i>Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартиби бўйича қонунчилик ҳужжатлари</i>	<i>5</i>
<i>Асосий тушунчалар</i>	<i>6</i>
<i>Умумий қоидалар</i>	<i>8</i>
<i>Муҳим қоидалар</i>	<i>11</i>
<i>Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришда ваколатли органлар</i>	<i>15</i>
<i>Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун электрон онлайн-аукцион савдо орқали ижарага бериш тартиби.....</i>	<i>17</i>
<i>Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдога қўйиш тартиби</i>	<i>19</i>
<i>Электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш тартиби</i>	<i>20</i>
<i>Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш</i>	<i>23</i>
<i>Ёшларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш.....</i>	<i>28</i>
<i>Иловалар.....</i>	<i>32</i>

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳаси мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида ҳам салмоқли ўрин эгаллаган. Мустақиллик йилларида олиб борилган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси динамик ҳолда ривожланиб бораётган мураккаб иқтисодий тизимга эга бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётининг йирик ва муҳим тармоғи сифатида сақланиб қолди.

Хусусан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш борасида чуқур ислоҳотлар амалга оширилиб, бундан кўзланган мақсад ер муносабатларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, шунингдек ер эгаларининг ерга нисбатан ҳуқуқларини бузилишини олдини олиш, бюрократизмни йўқ қилиш ҳисобланади.

Қолаверса, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда аҳолининг ижтимоий еҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида ер участкаларини ижарага бериш тартиблари ислоҳ қилинди ва янги тизим йўлга қўйилмоқда.

Мазкур қўлланмада қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш, иккиламчи ижара шартномаларини тузиш тартиби, шунингдек бу соҳада ваколатли органлар ваколатлари, ёшларнинг даромадини ошириш учун қишлоқ хўжалигига жалб қилиш, ерларни ижарага бериш тартиби очиб берилган.

Қўлланма ваколатли давлат органлари ҳамда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи аҳоли учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 январдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-15-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-153-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 709-сон қарори

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — ер фондининг барча тоифаларидаги қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ушбу мақсадларга мўлжалланган ерлар (суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар эгаллаган ерлар);

ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми;

ижарага бериш — очик электрон танлов ва электрон онлайн-аукцион воситасида, шунингдек Ер Кодекснинг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан. Хусусий мулк бўлган ер участкасини ижарага бериш унинг мулкдори томонидан амалга оширилади;

“E-ijara” ахборот тизими — ер участкаларини ижарага бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва ваколатли ташкилотлар билан келишишга мўлжалланган автоматлаштирилган ахборот тизими;

“E-auksion” электрон савдо платформаси — ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини реализация қилиш учун электрон онлайн-аукцион савдоларни ташкил этиш ва ўтказишга ихтисослаштирилган ахборот тизими;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш — қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини, ер участкасининг дала четлари, шу жумладан, ички коллектор, рошлар, ариқ бўйларидаги ерларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва (ёки) чорвачилик,

паррандачилик ва асаларичилик фаолиятини юритиш мақсадларида ижара ҳақи эвазига иккиламчи ижарага олувчига белгиланган муддатга фойдаланиш учун бериш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун фойдаланиладиган ер участкалари (суғориладиган ва лалми ҳайдалма ерлар, бўз ерлар, кўп йиллик мевали-резавор дов-дарахтлар, токзорлар ва бошқа дарахтлар банд бўлган ерлар, яйлов ва пичанзорлар);

фойдаланишга киритилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари — инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик битимида назарда тутилган талаблар асосида фойдаланишга (ирригация ва мелиорация тизимларини таъмирлаш, реконструкция қилиш, қайта тиклаш, янгидан барпо этиш, мевали кўчатлар экиш, томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ва бошқалар) киритилган ер участкалари;

иккиламчи ижара шартномалари реестри — қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида ижара ҳақи эвазига иккиламчи ижарага олувчига белгиланган муддатга фойдаланишга бериш тўғрисида ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида тузилган шартномаларни ҳисобга олиш реестри.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар:

- ✓ хайдаладиган ерлар;
- ✓ пичанзорлар;
- ✓ яйловлар;
- ✓ ташландиқ ерлар;
- ✓ кўп йиллик дов-дарахтлар (*боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар*) эгаллаган ерлар.



Қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофаза қилиниши лозим.

Қишлоқ хўжалиги ерларини ирригация сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тизимига асосланган сунъий суғориш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси ва ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг унумдорлигини ошириш шартидир.



Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни **ижара ҳуқуқи асосида бериш:**

қишлоқ хўжалиги кооперативларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, шунингдек бошқа юридик шахсларга — *товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун;*



тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари ҳамда бошқа давлат илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига — *қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-синов ишларини бажариш учун;*



Ўзбекистон Республикаси фуқароларига —
фермер хўжаликларини юритиш учун;



Ўзбекистон Республикаси фуқароларига
— деҳқон хўжаликларини, якка тартибда
боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни
юритиш учун.

Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг ажратиладиган ўлчамлари:

➤ **деҳқон хўжалигини юритиш учун – 0,06 гектардан 1 гектаргача;**

➤ **деҳқон хўжалигини юритиш учун чорва озуқаси экинларини етиштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланган айрим ҳудудларда – 0,06 гектардан 5 гектаргача;**

➤ **фермер хўжаликларига ва бошқа юридик шахсларга:**

- сабзавотчиликка ихтисослашганларга – **камида 3 гектар;**

- боғдорчиликка, узумчиликка ихтисослашганларга – **камида 3 гектар;**

- чорвачилик маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослашганларга озуқа экинларни етиштириш учун (шартли бир бош қорамол учун) – суғориладиган ерлардан – **камида 0,3 гектар**, лалмикор ерлардан – **камида 1 гектар**, яйловлар ва пичанзорлардан – **камида 2 гектар;**

- пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашганларга – **камида 30 гектар;**

- ғаллачилик ва сабзавотчиликка ихтисослашганларга – **камида 10 гектар;**

➤ **агросаноат кластерлари, шу жумладан кооперация шаклидаги кластерлар учун:**

- пахтачилик-тўқимачиликка ихтисослашганларга – **камида 2000 гектар;**
- ғаллачиликка ихтисослашганларга – **камида 1000 гектар;**
- сабзавотчилик ва полизчиликка ихтисослашганларга – **камида 200 гектар;**
- боғдорчилик, узумчиликка ихтисослашганларга – **камида 100 гектар;**
- чорвачилик маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослашганларга озуқа экинларини етиштириш учун (шартли бир бош қорамол учун) суғориладиган ерлардан – **камида 0,3 гектар**, лалмикор ерлардан – **камида 1 гектар**, яйловлар ва пичанзорлардан – **камида 2 гектар**.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ушбу белгиланган ўлчамларда **ўттиз йил** муддатга ижарага берилади.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси



МУҲИМ ҚОИДАЛАР

2024 йил 1 мартдан бошлаб **қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини** ижарага беришда очиқ электрон танлов ўрнига **электрон онлайн аукцион савдолари** жорий этилган.



Шунингдек, қуйидагича тартиб ўрнатилган:

 қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари электрон онлайн аукцион савдолари орқали **ўттиз йилга ижарага берилади**, бунда бошланғич нарх ер участкасининг норматив қиймати миқдорида белгиланади;

 ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш бўйича материалларни тайёрлаш, қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилгунига қадар, очиқ электрон танлов учун белгиланган тартибда, электрон онлайн аукцион савдоларини ўтказиш эса, аукцион савдоларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибига мувофиқ амалга оширилади;

 қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари ғолибларига **ер участкаси нархини уч йил муддатда** ҳар ойда тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади;

 деҳқон хўжалиги, яқка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари ғолиби бўлган

✓ “Темир дафтар”
✓ “Аёллар дафтари”
✓ “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган фуқароларга **ер участкаси нархيني беш йил муддатга** тенг улушларда **фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга** рухсат берилади;

 электрон онлайн аукцион савдолари орқали ижара ҳуқуқини сотишдан тушган маблағлар **ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин** оператор хизмат ҳақи чегирилган ҳолда қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларга (**2 фоиз** — “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” МЧЖга, **3 фоиз** — “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтига, **5 фоиз** — Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига);

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир ярим баравари миқдориди — ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органнинг ҳисобварағига;

қолган маблағлар — тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига.



QISHLOQ XO'JALIGIGA MO'LJALLANGAN YER UCHASTKALARI ELEKTRON ONLAYN AUKSION ORQALI IJARAGA BERILADI

“QISHLOQ XO'JALIGIGA MO'LJALLANGAN YER UCHASTKALARINI IJARAGA BERISH TARTIBINI TAKOMILLASHTIRISH BO'YICHA QO'SHIMCHA CHORA-TADBIRLAR TO'G'IRISIDA”GI PREZIDENT FARMONI (PF-15-SON, 18.01.2024 Y.) QABUL QILINDI.

FARMONGA KO'RA, 2024 YIL 1 MARTDAN QISHLOQ XO'JALIGIGA MO'LJALLANGAN YER UCHASTKALARINI IJARAGA BERISHDA OCHIQ ELEKTRON TANLOV O'RNIGA ELEKTRON ONLAYN AUKSION SAVDOLARI JORIY ETILADI.

2024 YIL 1 MARTDAN

QISHLOQ XO'JALIGIGA MO'LJALLANGAN YER UCHASTKALARI IJARACHILARIGA IJARAGA BERILGAN YER UCHASTKALARI BO'YICHA O'Z HUQUQ VA MAJBURIYATLARINI YER UCHASTKASIDAN FOYDALANISH MAQSADINI O'ZGARTIRMAGAN HOLDA BOSHQA SHAXSGA O'TKAZISHI (QAYTA IJARAGA BERISHI) MUMKIN BO'LADI.

2024 YIL 31 DEKABRGA

QADAR O'Z HUDUDLARIDA YERGA BO'LGAN HUQUQ DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILMAGAN, LEKIN AMALDA FOYDALANIB KELINAYOTGAN QISHLOQ XO'JALIGIGA MO'LJALLANGAN BARCHA YER UCHASTKALARI BO'YICHA IJARA HUQUQINI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH YOKI YERNI ZAXIRAGA QAYTARISH CHORALARI KO'RILADI.

BUNDA:

- 1 YER UCHASTKALARI** ELEKTRON ONLAYN AUKSION SAVDOLARI ORQALI **30 YILGA** IJARAGA BERILADI, BOSHLANG'ICH NARX YER UCHASTKASINING NORMATIV QIYMATI MIQDORIDA BELGILANADI;
- 2 YER UCHASTKALARINI** IJARAGA BERISH BO'YICHA ELEKTRON ONLAYN AUKSION SAVDOLARI G'OLIBLARIGA YER UCHASTKASI NARXINI **3 YIL** MUDDATDA HAR OYDA TENG ULUSHLARDA BO'LIB-BO'LIB TOLASHGA RUXSAT BERILADI;
- DEHQON XO'JALIGI, YAKKA TARTIBDA BOQ'DORCHILIK, POLIZCHILIK VA CHORVACHILIKNI YURITISH UCHUN **YER UCHASTKALARINI IJARAGA BERISH BO'YICHA ELEKTRON ONLAYN AUKSION SAVDOLARI G'OLIBI** BO'LGAN “**TEMR DAFTAR**”, “**AYOLLAR DAFTARI**” VA “**YOSHLAR DAFTARI**”DA RO'YXATDA TURGAN FUQAROLARGA YER UCHASTKASI NARXINI **5 YIL** MUDDATGA TENG ULUSHLARDA FOZSIZ BO'LIB-BO'LIB TOLASHGA RUXSAT BERILADI.

2024 йил 1 мартдан бошлаб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ижарачиларига ижарага берилган ер участкалари бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ер участкасидан **фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда** бошқа шахсга ўтказишга (**қайта ижарага беришга**) рухсат берилган.

Бунда:

ижарага олувчи ер участкасидан **камида уч йил** давомида, ушбу банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда эса, **камида беш йил** давомида ўзи фойдаланган бўлиши шарт, **ушбу муддат ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ҳисобланади;**

юридик шахсларга электрон онлайн аукцион савдолари, очиқ электрон танлов ёки танлов ўтказмасдан давлат органларининг қарорлари билан тўғридан-тўғри ижарага берилган ер участкаларини бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) **ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб беш йилдан кейин** йўл қўйилади;

ижарага берувчи очиқ электрон танлов натижасига кўра ижара муддатига тенг тақсимланадиган **қўшимча тўловларни** ёки электрон онлайн аукцион савдолари натижаларига кўра **бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган тўловларни бирйўла** тўлаши шарт.



Гаровга қўювчининг ер участкасига бўлган ҳуқуқлар гарови билан таъминланган мажбурияти бажарилмаган тақдирда, ер участкасидан **фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда**, ижара ҳуқуқини ер ижараси шартномасининг қолган даврига **электрон онлайн аукцион савдолари орқали реализация қилишга** рухсат этилади.

Бунда:

✓ ер участкасига ижара ҳуқуқини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқаришни ваколатли органлар билан келишиш (хулоса олиш) талаб этилмайди;

✓ суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, ижара ҳуқуқини электрон

онлайн аукцион савдоларида реализация қилишдан тушган маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланади.

Ёдда тутинг

Агросаноат кластерларига ер участкаларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри ижарага бериш тартиби **бекор қилинган.**

Бунда, агросаноат кластерлари ер участкаларини **электрон онлайн аукцион савдолари** орқали ёки **йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш** йўли билан ижарага олишлари мумкин.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 январдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-15-сон Фармони

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШДА ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР


Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 августдан бошлаб, истисно тариқасида, фақат қуйидаги ҳолларда ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага беришга ҳақли:

қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий тадқиқот ва тажриба синовлар амалга ошириш учун давлат илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига — **Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг таклифига асосан;**

махсус иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш учун, шунингдек, маҳаллий ва чет эллик инвесторлар, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар томонидан қиймати камида **10 миллион АҚШ доллари эквивалентида** (ер майдони ҳажмига кўра ортиб боради) бўлган йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун — энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан лойиҳа қийматининг камида 5 фоизига тенг маблағ аввалдан махсус ҳисобрақамга жойлаштирилганда ҳамда ер участкасига ижара ҳуқуқининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланадиган бозор қийматига нисбатан коэффицентларда белгиланадиган миқдордаги маблағни Давлат бюджетига тўлаш шarti билан;

халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид қуйидаги ваколатлари, улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи **2021 йил 1 августдан бекор қилинган:**



! ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишга бериш, келгусида ажратиш учун захиралаш, бириктириш, ободонлаштириш учун бериш ёки ерларни бошқача йўл билан тасарруф қилиш, бундан мазкур Фармонга мувофиқ ер участкаларини давлат ташкилотларига

доимий фойдаланишга ажратиш, **ижара шартномасини имзолаш бўйича ваколатлар мустасно;**

! туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш;

! суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ерлар тоифасига ёки бошқа ер тоифасига, суғорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа ер тоифасига ўтказиш;

! жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги ҳамда ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш;

! хусусийлаштириладиган ер участкаларига нисбатан инвестиция мажбуриятлари ёки хусусий мулкни эркин тасарруф этишни чеклайдиган бошқа мажбуриятларни белгилаш.



Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришда ижарачилар билан **ижара шартномасини** тузади.

Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун электрон онлайн-аукцион савдо орқали ижарага беришда **ер тузиш лойиҳасини келишадиган ташкилотлар:**

✔ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (*ер участкасидан фойдаланиш мақсади ва ихтисослиги бўйича*);

✔ Сув хўжалиги вазирлиги (*сув таъминоти, ирригация ва мелиорация иншоотлари бўйича*);

✔ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси (*ер участкаси чегаралари бўйича*) ҳудудий бўлинмалари.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сон Фармони

БЎШ ТУРГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҚСАДЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОН САВДО ОРҚАЛИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТАРТИБИ

Мазкур қоидалар:

-  ўрмон фонди ерларини ижарага бериш;
-  қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш учун татбиқ этилмайди.

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР:

ваколатли ташкилотлар — ер тузиш лойиҳасини келишадиган ташкилотлар — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (ер участкасидан фойдаланиш мақсади ва ихтисослиги бўйича), Сув хўжалиги вазирлиги (сув таъминоти, ирригация ва мелиорация иншоотлари бўйича), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси (ер участкаси чегаралари бўйича) ҳудудий бўлинмалари;

ер тузиш лойиҳаси — ягона мавзе бўйича контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда, ер участкаси чегаралари, ҳудуднинг ихтисослиги, ишлаб чиқариш элементлари ҳисобга олинган муайян ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион савдо орқали реализация қилиш учун ишлаб чиқилган ҳужжатлар тўплами;

ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир;

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич нархи — савдога қўйилаётган ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион савдо орқали реализация қилиш учун ушбу ер участкасининг норматив қиймати бўйича аниқланган нархи;

закалат — иштирокчи томонидан электрон онлайн-аукцион савдода қатнашиш учун кафолат таъминоти сифатида олдиндан киритиладиган маблағ;

ижарага берувчи — туман (шаҳар) ҳокимликлари ёки Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси;

ижрочи — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

иштирокчи — ер участкаси жойлашган ҳудуд бўйича электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун белгиланган тартибда ариза берган, ўн саккиз ёшга тўлган, муомалага лаёқатли, тегишли вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикасида доимий ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний ва юридик шахслар;

лот — электрон буюртмага асосан электрон онлайн-аукцион савдода ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион савдо орқали реализация қилиш учун савдо платформасига қўйилган объект;

оператор — савдо платформасида электрон онлайн-аукцион савдони ташкил этиш ҳамда ўтказиш ваколоти берилган «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш» акциядорлик жамияти;

шахсий кабинет — иштирокчига электрон онлайн-аукцион савдоларда иштирок этиш учун буюртма бериш, уларда қатнашиш, шахсий ҳисобни бошқариш, унинг ҳолати ва бошқа статистика маълумотларини кўриш ҳамда оператор томонидан жўнатилаётган хабарлар билан танишиб бориш имконини берувчи савдо платформасининг махсус бўлими;

электрон буюртма — ер участкаларини савдо платформаси орқали реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукцион савдоларни ташкил қилиш юзасидан ижрочи томонидан операторга бериладиган электрон буюртма;

электрон онлайн-аукцион савдо — савдо платформаси орқали жисмоний ва юридик шахсларга объектни реализация қилиш бўйича нархни ошириб бориш тамойили асосида онлайн тартибда ўтказиладиган савдо шакли;

электрон рақамли имзо (*кейинги ўринларда — ЭРИ*) — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик мавжуд эмаслигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо калитининг эгасини идентификация қилиш имконини берадиган имзо.

Ёдда тутинг

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари талабларига асосан ижтимоий дафтарга киритилганлар, шу жумладан, **“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”** ва **“Ёшлар дафтари”** ҳамда хориждан қайтган **меҳнат мигрантлари** рўйхатига киритилган талабгорлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини ижарага бериш бўйича **“E-auksion”** электрон савдо платформасида ҳамда **“E-ijara”** АТда алоҳида тоифа (категория) очилади.

I. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҚСАДЛАРИ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОН САВДОГА ҚЎЙИШ ТАРТИБИ

Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ер участкаси давлат захирасига олиниб, давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин

Туман (шаҳар) ҳокимлиги ёки Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (*кейинги ўринларда — ижарага берувчи*) номига давлат рўйхатидан ўтказилган, юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари тўғрисидаги маълумотларни **“E-ijara”** АТ электрон ахборот алмашинув орқали **“Ўздаверлойиҳа”** ДИЛИга юборади.

“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ бир иш куни ичида

Ижарага берувчи номига давлат рўйхатидан ўтказилган ва бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисидаги маълумотларни **“E-ijara”** АТ орқали юклаб олади ҳамда ер участкаларининг ихтисослашувини ва деҳқон хўжалигини юритиш учун ёки юридик шахслар учун ажратилишини белгилаб бериш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юборади.


Қишлоқ хўжалиги вазирлиги уч иш куни ичида

Ер участкаларининг ихтисослашувини ва деҳқон хўжалигини юритиш учун ёки юридик шахслар учун ажратилишини белгилаб, қабул қилинган қарорни **“Ўздаверлойиҳа”** ДИЛИга маълум қилади.



“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ уч иш куни ичида


1. Электрон онлайн-аукцион савдога қўйиладиган ер участкаларини жойига чиққан ҳолда ўрганади ва ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқади.
2. Ҳар бир лойиҳани келишиш учун ваколатли ташкилотларга “E-ijara” АТ орқали юборади.
3. Ер тузиш лойиҳасини “E-ijara” АТ орқали тасдиқлаш учун ижарага берувчига юборади.



Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бўлинмалари, Ижарага берувчи уч иш куни ичида

Ер тузиш лойиҳасини “E-ijara” АТ орқали келишади ёки келишишни рад этади.

Тақдим этилган ер тузиш лойиҳасини электрон рақамли имзо (*кейинги ўринларда — ЭРИ*) билан тасдиқлайди.




“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ автоматик тарзда

Ер участкасини электрон онлайн-аукцион савдога қўйиш тўғрисидаги буюртмани операторга юборади.

II. ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОН САВДОНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ


“Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖ (*кейинги ўринларда — оператор*) икки иш куни ичида

Электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш тўғрисидаги хабарнома ва лот ҳақидаги маълумотларни, қишлоқ хўжалиги ер участкасининг ижара шартномаси лойиҳасини “E-auksion” электрон савдо платформасида эълон қилади.




Жисмоний ёки юридик шахслар (*кейинги ўринларда — иштирокчи*) белгиланган муддатларда

Белгиланган закатат маблағларини операторнинг махсус депозит ҳисобварағига ўтказиши ва аризани юборади.



Оператор белгиланган муддатларда

1. Иштирокчилар учун “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион савдони ташкил этади.
2. Электрон онлайн-аукцион савдо ғолибини эълон қилади ва бу ҳақда ғолибнинг шахсий кабинетига, уяли алоқа телефонига ва электрон почта манзилига хабарнома юборади.
3. Электрон онлайн-аукцион савдо натижалари тўғрисидаги электрон баённомани расмийлаштиради ва уни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижара шартномаси билан бирга электрон онлайн-аукцион савдо ғолибининг шахсий кабинетига юборади.



Электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби ўн иш куни ичида

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бўйича электрон онлайн-аукцион савдода тасдиқланган нархнинг дастлабки **15 фоизини** тўлайди.


ўн иш куни ичида

Баённомага асосан ижара шартномасини ЭРИ билан тасдиқлайди.



“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ бир иш куни ичида

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ер тузиш ҳужжатлари ва ижара шартномасини Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бўлинмасига юборади.



Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бўлинмаси икки иш куни ичида

1. Электрон онлайн-аукцион савдо ғолибининг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиши.
2. Реестрдан кўчирмани “E-ijara” АТ орқали “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтига ҳамда электрон онлайн-аукцион савдо ғолибининг шахсий кабинетига юборади.



“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ уч иш куни ичида

Электрон онлайн-аукцион савдо ғолибига ер участкаси чегарасини кўрсатиб беради ва бу ҳақдаги маълумотни “E-ijara” АТга жойлаштиради.

The screenshot displays the E-AUKSION website interface. At the top, there is a navigation bar with the E-AUKSION logo, UzSAMA logo, and various utility links like 'Assistant', 'Demo', and 'Ro'yxatdan o'tish'. Below the navigation bar, there are menu items: Lotlar, Yordam, Aukcion haqida, Interaktiv xizmatlar, Korporativ boshqaruv, Yangiliklar, Bog'lanish, and a date/time indicator (05.08.2024 (GMT+5)).

The main content area features a breadcrumb trail: Asosiy sahifa > Lotlar > Qishloq xo'jaligiga mo'ljallangan yer uchastkalari > Qishloq xo'jaligi maqsadlari uchun yer uchastkalarini ijaraga berish. A sidebar on the left contains a search filter for 'Qishloq xo'jaligiga mo'ljallangan yer uchastkalari' with sub-options like 'Qishloq xo'jaligi maqsadlari uchun yer uchastkalarini ijaraga berish'.

The central part of the page shows a 'Filtr' (Filter) section with various dropdown menus for 'Lot raqami yoki mol-mulk...', 'Viloyat', 'Tuman', 'Mahalla', and 'Savdo kuni'. Below the filter, there are buttons for 'Yangi lotlar' (1185), 'Yakunlanganlar', and 'Joriy aukcionlar' (16). A listing for a land plot is shown with details: 'Буш ер участкаси - Y1735225-1253003/001', 'Boshlang'ich narxi: 113 399 303.00 UZS', and 'Zakat puli miqdori (10%): 11 339 930.30 UZS'. There is also a 'Savdo vaqti' field and a 'Arizalarni qabul qilishning oxirgi muddati:' field.

“E-auksion” электрон савдо платформасининг кўриниши (<https://e-auksion.uz/>)

Tizim bosqichlari

The diagram illustrates the 5 steps of the E-ijara system process:

- 2-bosqich**: VAKOLATLI ORGANLAR. "Yer tuzish loyihasi" tegishli tashkilot va idoralar bilan kelishiladi.
- 3-bosqich**: "E-AUKSION" ESP. Bo'sh yer tanlovga qo'yiladi hamda g'olib aniqlanadi va ijara shartnomasi bir tomonlama imzolanadi.
- 4-bosqich**: TUMAN HOKIMIYATI. Ijara shartnomasi ikkinchi tomonlama imzolanadi.
- 5-bosqich**: DAVLAT KADASTRLARI PALATASI. Yerning kadastr hujjatlari rasmiylashtiriladi.

Yer maydonlari

[Savdodagi yer maydonlari](#)

[Hammasini ko'rish >](#)



“E-ijara” АТнинг кўриниши (<https://e-ijara.uz/>)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИККИЛАМЧИ ИЖАРАГА БЕРИШ

Иккиламчи ижарага бериладиган ерлар

✔ юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан агросаноат кластерлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, чет эл жисмоний ва юридик шахсларига ижарага берилган ер участкаларига ҳамда ер участкасининг дала четлари, шу жумладан, ички коллектор, рошлар, ариқ бўйларидаги ерлар;

✔ давлат органлари ва ташкилотларига, шу жумладан Қуролли Кучлар, чегара, ички ишлар ва темир йўл қўшинларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий таълим муассасалари, ташкилотларига берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари (*ўрмон фонди ерлари бундан мустасно*);

✔ давлат органлари ва ташкилотлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида ижарага берилган ва улар томонидан фойдаланишга киритилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари.

Қуйидаги ер участкалари иккиламчи ижарага берилмайди:

! деҳқон ва томорқа хўжаликлари берилган ер участкалари (*Ер кодекснинг 24³-моддасига мувофиқ вақтинча фойдаланишга берилиши мумкин*);

! жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун берилган ер участкалари;

! инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ижарага берилиб, фойдаланишга киритилмаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари.

Ёдда тутинг

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида **юридик ва жисмоний шахсларга** иккиламчи ижарага (**учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз**) берилади.

Агар қонунчиликда бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, ер участкасини иккиламчи ижарага бериш иккиламчи ижарага берувчининг ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасида белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.



Муддатлар

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четлари, шу жумладан, ички коллектор, рошлар, ариқ бўйларидаги ерлар қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва (ёки) чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик фаолиятини юритиш учун юридик ва жисмоний шахсларга **ўн йилгача бўлган муддатга** иккиламчи ижарага берилиши мумкин.

Инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида фойдаланишга киритилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш шартномасининг муддати иккиламчи ижарага берувчи ва иккиламчи ижарага олувчининг **келишувига кўра** белгиланади. **Мазкур муддат қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини ижарага бериш шартномаси муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.**



Иккиламчи ижарага бериш тартиби

Ер участкаларни иккиламчи ижарага берувчи юридик ва жисмоний шахслар **заруратга кўра:**

✓ Ўз ташаббуси билан ихтиёрийлик асосида иккиламчи ижарага олувчининг розилиги билан ёзма ёки электрон шаклда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тўғрисида шартнома тузади;

✓ Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини, ер участкасининг дала четлари, шу жумладан, ички коллектор, рошлар, ариқ бўйларидаги ерларни иккиламчи ижарага бериш шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий органларига ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.



Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси 3 иш куни ичида:

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини, ер участкасининг дала четлари, шу жумладан, ички коллектор, рошлар, ариқ бўйларидаги ерларни иккиламчи ижарага бериш бўйича тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаси бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:



шартномани рўйхатдан ўтказиш;



шартномани рўйхатдан ўтказишни рад этиш.

Рад этиш асослари:

- ✚ мурожаат ваколатсиз шахс томонидан имзоланган ёки умуман имзоланмаган тақдирда;
- ✚ иккиламчи ижарага берилаётган ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқи ижарага берувчига тегишли бўлмаганда;
- ✚ иккиламчи ижарага берилаётган ер участкаларига бўлган тегишли ҳуқуқ белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмаганда;
- ✚ иккиламчи ижарага бериш шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўлов амалга оширилмаганда;
- ✚ қонунчиликка мувофиқ кўрсатилган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш мумкин бўлмаганда.

Хулосада рад этиш асослари **аниқ кўрсатилиши** шарт.

Мазкур бандда кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар асосида шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилишига **йўл қўйилмайди**.

Ваколатли орган қароридан норози бўлган шахслар **белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга** шикоят қилишлари мумкин.



Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси 1 иш куни ичида:

Ер участкасини иккиламчи ижарага беришга оид ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаси ҳақида тарафларни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.



Ер участкаларни иккиламчи ижарага берувчи ва ижарага олувчи юридик ва жисмоний шахслар (ўзаро келишув асосида) 2 иш куни ичида ёки шартномада белгиланган муддатда:

- ✔ Ер участкасининг чегараларини жойида белгилаш ва уни ажратиб беришни;
- ✔ Ер участкасини ажратиш бўйича тегишли далолатномани расмийлаштиришни амалга оширади.

Алоҳида қоидалар

Шартнома тузилиши → ёзма шаклда
→ қоғоз шаклда (камида 4 нусхада)
→ электрон ҳужжат шаклида

✔ Иккиламчи ижарага бериш шартномаларини иккиламчи ижара шартномалари реестрида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун ваколатли органга **БҲМнинг 5 фоизи** миқдорида тўлов амалга оширилади.

✔ Иккиламчи ижарага олувчи **“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”** ва **“Ёшлар дафтари”**га киритилган бўлса, **тўлов ундирилмайди.**

Иккиламчи ижара ҳақи

Ер участкасининг дала четлари, шу жумладан, ички коллектор, рошлар, ариқ бўйларидаги ерларни иккиламчи ижарага берганлик учун ижара ҳақи **1 сўм** миқдорида белгиланади.

Иккиламчи ижара ҳақи миқдори ерларнинг балл бонитети, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар учун солиқ ставкалари, қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда, **тарафларнинг келишуви асосида эркин белгиланади.**

Тўловни амалга ошириш шакллари

-  банкдаги ҳисобварағига нақд ёки нақд пулсиз
-  электрон тўлов воситалари
-  тақиқланмаган бошқа усуллар

Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар қонунчиликда белгиланган тартибда киритилганда шартнома **реестрда давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.**

Шартнома тарафларнинг **ўзаро келишувига** кўра ёки **суд** тартибида бекор қилиниши мумкин.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 709-сон қарори

ЁШЛАРГА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИ АЖРАТИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ

Жорий йилнинг 7 май ҳолатига кўра, “Ўздавйерлойиҳа” давлат илмий лойиҳалаш институти томонидан Ёшлар учун Республика кесимида жами **61 465,3 гектар** йер майдони **170 016 та** лотга ажратилган бўлиб, шулардан умумий **28 391,15 минг гектар** йер майдонида **91 822 та** лот ғолиблари аниқланган.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги расмий каналидан
(<https://t.me/uzagroministry>)

Туман ҳокимликлари захирасидаги **60 минг гектар ер майдони** (кейинги ўринларда — ер майдонлари) электрон онлайн аукцион савдоларига қўйилиб, **деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун** устувор равишда қуйидаги ёшларга ижарага берилади

- ✔ “Темир дафтар”га киритилган оила фарзанди**.
- ✔ “Аёллар дафтари”га киритилган аёллар фарзанди**.
- ✔ “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар.
- ✔ “Меҳр дафтари”га киритилган ёшлар**.
- ✔ “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оила фарзанди**.
- ✔ Оиласи кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш фуқаро.
- ✔ Ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органларига бириктирилган ёшлар.
- ✔ Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширишдан қайтган ёшлар.

- ✔ Боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш фуқаро.
- ✔ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқароларнинг соғлом фарзанди**.
- ✔ Ногиронлиги бўлган бола парвариши билан шуғулланаётган ёш оила (эр-хотиннинг бири).
- ✔ Ота-оналардан бирида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган, иккинчиси эса фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёки ота-онасида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёш фуқаро.
- ✔ Табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган ёш фуқаро.

Изоҳ:

* қуйидаги ёшларга электрон онлайн-аукцион савдоларида қатнашиб ерни ижарага олишга йўл қўйилмайди:

а) 30 сотихдан кўп томорқа ери бўлиб, ундан фойдаланмаётган ёшлар;

б) илгари очиқ электрон танловларда ёки электрон онлайн-аукцион савдоларида ерни ижарага олган ёшлар.

** 18 — 30 ёшдаги фуқаролар инобатга олинади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан сотишгача бўлган занжирни қамраб олувчи қуйидаги **янги тизим** жорий этилади:

✔ **бир ой муддатда** 60 минг гектар ер майдонини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали “маҳалла етилиги”нинг тавсияси билан шакллантирилладиган рўйхатга киритилган ёшлар (*кейинги ўринларда — талабгорлар*) ўртасида ўтказилади. Бунда:

💰 ер майдонларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари ғолибларига ер участкаси нархини **10 йил муддатга тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга** рухсат берилади;

💰 закат пули **БҲМнинг 1 баравари** миқдоридан белгиланади;

талабгорларга:

 сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинлар етиштиришга суғориладиган экин майдонлари;

 боғдорчилик-узумчилик йўналишлари учун кўп йиллик дарахтзорлар ёки самарасиз боғлар ер майдонлари;

 доривор ўсимликлар етиштириш, чорвачилик йўналишлари учун чорва озуқаси экинларини етиштиришга мўлжалланган, лалми, бўз, яйлов ва янги ўзлаштирилган ер майдонлари **30 йил муддатгача** кичик лотларда “бир массив — бир маҳсулот” тамойили асосида ижарага берилади.

Ёдда тутинг

Электрон онлайн аукцион савдоларида 1 нафар талабгор иштирок этган тақдирда, истисно тариқасида, аукцион ўтказилган ҳисобланади ҳамда ушбу имтиёзли шартлар асосида ўтказиладиган аукцион савдоларида ёшларга ер майдонини фақат бир маротаба ижарага олишга рухсат берилади;

талабгорларга ажратиладиган ер майдонлари ўлчамлари “маҳалла еттилиги” таклифига кўра аниқланади. Бунда:

! “маҳалла еттилиги” томонидан талабгорларга “E-auksion” электрон савдо платформасига жойлаштириладиган ер майдонлари бўйича кичик лотларни мажбурий бириктиришга йўл қўйилмайди;

! ишни яхши ташкил қиладиган тадбиркорлар, маҳсулотни қайта ишловчи ёки экспорт қилувчиларга “Ёшлар дафтари” даги бир нечта ёшларнинг бандлигини таъминлаш мажбурияти билан яхлит контурдаги ер майдонларини беришга рухсат берилади;

ер майдонларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали ижарага олган ёшлар **“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”** дан чиқарилмайди ва улар учун қонунчиликда белгиланган барча имтиёз ва преференциялар сақлаб қолинади;

талабгорлар томонидан ер майдонларида етиштириладиган экин турлари ва улар миқдорининг **доимий мониторинги** Ёшлар

ишлари агентлигининг “Ёш фермерлар” платформаси орқали амалга оширилади.


Бу муҳим

Мазкур қарорга мувофиқ ижарага бериладиган ер майдонларида **турар жой, бино ва иншоотлар қуриш қатъиян ман этилади;**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари экин майдонларини ёшларга ажратишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ер участкаси ижара шартномаси асосида белгиланган ҳуқуқлари бузилмаслигига **шахсан жавобгар** ҳисобланади.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-153-сон қарори



ИЛОВАЛАР

1-илова

Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ижарага бериш ҳуқуқи учун ЭЛЕКТРОН БУЮРТМА

20__ йил «__» _____да ижарага берувчи томонидан тасдиқланган лойиҳа бўйича қуйидаги ер участкасини электрон онлайн-аукцион савдо орқали ижарага бериш учун ушбу буюртмани тақдим этади:

1. Ер участкасининг ўзига хос рақами _____;

2. Ер участкасининг майдони га _____;

3. Ер участкаси жойлашган жой _____
_____;

4. Белгиланган мақсади _____;

5. Ер тоифаси _____;

5.1. Ер тури _____;

6. Электрон онлайн-аукцион савдо ғолибининг мажбуриятлари _____;

6.1. Ижара муддати _____;

6.2. Электрон онлайн-аукцион савдо ғолибига қўйиладиган талаблар _____
_____;

6.3. Ер участкасидан фойдаланиш шартлари ва тартибига тааллуқли бошқа талаблар _____
_____;

7. «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг ҳудудий бўлинмасининг манзили ва боғланиш учун маълумотлар (телефон рақами, электрон почта манзили ва бошқалар)

_____;

Буюртма 20__ йил «__» _____да тақдим этилди.

«Ўздаверлойиҳа» институтининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.О.)

Электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун

(деҳқон хўжалигини юритиш учун)

АРИЗА

(жисмоний шахсинг Ф.И.О., яшаш жойи, СТИР рақами, телефон рақами,
электрон почта манзили)

(жисмоний шахсинг «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ёки «Ёшлар
дафтари»да рўйхатда турганлиги тўғрисида маълумот)

Электрон онлайн-аукцион савдо ўтказилиши ҳақидаги хабарнома билан
танишдим:

Лойиҳа рақами: № _____;

Лойиҳа йўналиши, майдони: _____

_____;

Электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш қоидалари билан танишиб,
20__ йил «__» _____ кунин соат _____ дақиқада ўтказиладиган
электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун ушбу аризани қабул
қилишингизни сўрайман.

Электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун ушбу аризани тақдим
этиб, электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш қоидаларига ва келтирилган
шартларга розилик бераман.

Ер участкасининг ижара ҳуқуқини сотиб олиш бўйича тўловни бир йўла /
бўлиб-бўлиб тўлайман.

Мен томондан тақдим этилган маълумотлар нотўғри бўлган тақдирда,
электрон онлайн-аукцион савдо натижаларини ҳақиқий эмас деб топилиши
ҳақида огоҳлантирилдим.

Шунингдек, электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби деб топилган тақдиримда,
менга юклатиладиган мажбуриятларни бажаришни ўз зиммамга оламан.

Тўлдирил
ган сана _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

Электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун

*(юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадларида
ер участкаларини ижарага бериш учун)*

АРИЗА

*(юридик шахс — тўлиқ номи, почта манзили, банк реквизитлари, телефон
рақами, электрон почта манзили)*

Электрон онлайн-аукцион савдо ўтказилиши ҳақидаги хабарнома билан танишдим:

Лойиҳа рақами: № _____;

Лойиҳа йўналиши, майдони: _____

_____;

Электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш қоидалари билан танишиб, 20__ йил «__» _____ куни соат _____ дақиқада ўтказиладиган электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун ушбу аризани қабул қилишингизни сўрайман.

Электрон онлайн-аукцион савдода иштирок этиш учун ушбу аризани тақдим этиб, электрон онлайн-аукцион савдони ўтказиш қоидаларига ва келтирилган шартларга розилик бераман.

Ер участкасининг ижара ҳуқуқини сотиб олиш бўйича тўловни бир йўла / бўлиб-бўлиб тўлайман.

Мен томондан тақдим этилган маълумотлар нотўғри бўлган тақдирда, электрон онлайн-аукцион савдо натижаларини ҳақиқий эмас деб топилиши ҳақида огоҳлантирилдим. Шунингдек, электрон онлайн-аукцион савдо ғолиби деб топилган тақдиримда, менга юклатиладиган мажбуриятларни бажаришни ўз зиммамга оламан.

Тўлдир

илган

сана _____

(имзо) _____
(Ф.И.О.)

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш

НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ

Шартнома тузилган сана Шартнома рақами-сон **Шартнома тузилган жой**

Иккиламчи ижарага берилаётган ер участкасининг манзили ҳудудидаги ер участкасини иккиламчи ижарага берувчи Ижарага берувчи номидан иш олиб борувчи шахснинг лавозими ва Ф.И.О.си (бундан буён-"иккиламчи ижарага берувчи") бир томондан, Ижарага олувчи номидан иш олиб борувчи шахснинг лавозими ва Ф.И.О.си иккинчи томонидан иккиламчи ижарага олувчи (бундан буён-"иккиламчи ижарага олувчи") иккинчи томондан қуйидаги шартлар асосида мазкур шартномани тузишди:

I. Шартноманинг предмети

1. Иккиламчи ижарага берувчи Ер участкасини фойдаланиш муддати бошланадиган санадан Ер участкасини фойдаланиш муддати тугайдиган сана муддатга Иккиламчи ижарага берилаётган ер участкасининг манзили ҳудуди қишлоқ хўжалиги жойлашган Ер участкасини қишлоқ хўжалик экинларини оралиқ экиш учун иккиламчи ижарага жойининг майдони гектар ер участкасини қишлоқ хўжалик экинларини оралиқ экиш учун иккиламчи ижарага топширади, иккиламчи ижарага олувчи эса қабул қилиб олади.

Иккиламчи ижарага олувчининг ер участкаси чегаралари мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган илова қилинаётган харитада кўрсатилади.

Иккиламчи ижарага берилган ер участкаси Иккиламчи ижарага берилаётган ер участкасининг манзили ихтисослашуви бўйича (ер участкасини учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун Ер участкасини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун берилган муддати муддатга берилади.

2. Юқорида кўрсатилган ер участкаси "Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш" бўйича шартномаси рўйхатга олинган санасида "Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш" бўйича шартномаси рўйхатга олинган рақами-сон билан рўйхатга олинган "Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш" шартномасига мувофиқ ижара ҳуқуқи асосида ижарага берувчига тегишлидир.

3. Ер участкасини иккиламчи ижарага бериш пайтида унда қуйидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мавжуд:

Суғориладиган ерлар ҳажми Иккиламчи ижарага берилаётган суғориладиган ерлар ҳажми (гектар) гектар

Лалмикор (суғорилмайдиган) ерлар ҳажми Иккиламчи ижарага берилаётган лалмикор (суғорилмайдиган) ерлар ҳажми (гектар) гектар

Боғ ерлари ҳажми Иккиламчи ижарага берилаётган боғ ерлари ерлар ҳажми (гектар) гектар

Узумзор ерлар ҳажми Иккиламчи ижарага берилаётган узумзор ерлар ҳажми (гектар) гектар

Тутзор ерлар ҳажми Иккиламчи ижарага берилаётган тутзор ерлар ҳажми (гектар) гектар

Бошқа кўп йиллик дарахтлар ҳажми Иккиламчи ижарага берилаётган бошқа кўп йиллик дарахтлар ерлар ҳажми (гектар) гектар

Пичанзор, яйлов ва бўз ерлар ҳажми Иккиламчи ижарага берилаётган пичанзор, яйлов ва бўз ерлар ҳажми (гектар) гектар

Бошқа тоифадаги ерлар ҳажми Иккиламчи ижарага берилаётган бошқа тоифадаги ерлар ҳажми (гектар) гектар

Иккиламчи ижарага берилаётган жами ер участкаси ҳажми Иккиламчи ижарага берилаётган жами ер участкаси ҳажми (гектар) гектар

II. Ижара ҳақи

4. Иккиламчи ижарага олувчи мазкур шартноманинг 1-бандида кўрсатилган ер участкасидан фойдаланганлиги учун Ижарага берувчига ҳар бир гектар ер участкаси учун Ижарага олувчи ижарага берувчига ҳар бир гектар ер участкаси учун тўлайдиган ижара суммаси сўмдан, жами Ижарага олувчи ижарага берувчига жами ер участкаси учун тўлайдиган ижара суммаси сўм ҳисоб-китобни амалга оширади.

Ижара ҳақини ўзаро келишилган муддатда, бироқ мазкур шартнома амалда бўлган муддат ичида ҳисоб китоб қилинади.

5. Иккиламчи ижарага олинган ер участкасининг ижара ҳақи ҳажми тарафларнинг келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин.

III. Иккиламчи ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Иккиламчи ижарага берувчининг ҳуқуқлари:

иккиламчи ижарага олинган ер участкасидан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиши устидан назоратни амалга ошириш;

шартнома шартлари асосида ижара ҳақини олиш;

мазкур шартнома ва соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари асосида бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш;

7. Иккиламчи ижарага берувчининг мажбуриятлари:

иккиламчи ижарага олувчига ушбу шартнома рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, Ижарага берувчи шартнома рўйхатдан ўтказилгандан сўнг неча кун ичида ер майдонини эгалик қилиш учун топшириш лозим кун ичида белгиланган ер участкасидан эгалик қилишга, ундан мустақил фойдаланишга

шарт-шароит яратиб бериш ҳамда шартнома асосида ажратилган ер участкаси тарафлар томонидан имзоланиб, тасдиқланган далолатнома асосида топшириш;

“Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”дан келиб чиқиб, ижарага берувчи ўз олдидаги барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда учинчи шахс (маҳаллий ҳокимлик)нинг ерга бўлган ҳуқуқлари тўғрисида иккиламчи ижарага олувчини хабардор қилиш;

иккиламчи ижарачининг фаолиятига аралашмаслик;

ушбу шартномани белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишига ҳамкорлик кўрсатиш;

иккиламчи ижарага олинган (суғориладиган ер тоифасидаги) ер участкасини белгиланган тартибда суғориш ишлари учун ажратилган сув олиш лимитларига мувофиқ сув ресурслари етказиб берилишида ҳамкорлик кўрсатиш;

иккиламчи ижара муддати тугаганидан сўнг ер участкасини белгиланган тартибда қабул қилиб олиш;

мазкур шартнома ҳамда соҳани тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари талабига риоя этиш;

IV. Иккиламчи ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Иккиламчи ижарачининг ҳуқуқлари:

шартнома шартларига мувофиқ ер участкасини қабул қилиш ва топшириш;

ер участкасидан фойдаланиш мақсадига мувофиқ мустақил равишда хўжалик юритиш;

ер участкасидан олинган фойда ва даромадни мустақил тасарруф этиш;

ўз маблағлари ҳисобидан иккиламчи ижарага олинган ер участкасида белгиланган тартиб бўйича агротехника тадбирларини ўтказиш;

ҳудуддаги сув етказиб берувчи сув истеъмолчилари уюшмалари билан шартнома расмийлаштирган ҳолда белгиланган тартибда ажратилган сув олиш лимитларига мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланиш;

мазкур шартнома ва соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари асосида бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш;

9. Иккиламчи ижарачининг мажбуриятлари:

ижарага олинган ер участкасидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш;

иккиламчи ижарага олинган ер участкаси ҳолатини ёмонлашишини олдини олиш;

шартномада белгиланган миқдор ва муддатда ижара ҳақини тўлаш;

шартномани амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, ер участкасини

Шартномани амал қилиш муддати тугаганидан сўнг ер участкаси нечи кун

ичида қайтарилиши лозим кун ичида ижарачига ўзаро тузилган далолатнома асосида қайтариш;

ушбу шартномани белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишига ҳамкорлик кўрсатиш;

ирригация ва мелиоратив тармоқларни, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаш;

ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширилиши жараёнида ўзга ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузмаслик;

ижарага олинган ер участкасидан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида ижарага берувчининг ер участкасига эркин кириши ҳуқуқини таъминлаш;

мазкур шартнома ва соҳани тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари асосида бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш;

V. Шартномани амал қилиш муддати ва ўзгартириш ҳамда бекор қилиш тартиби

10. Мазкур шартнома Шартноманинг амал қилиш муддати бошланадиган санадан Шартноманинг амал қилиш муддати тугайдиган санагача амалда бўлади.

Ушбу шартнома томонларнинг келишувига кўра, ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда эса суд тартибида ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

11. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини ижарага бериш шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу шартномани муддатидан илгари бекор қилиш қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш шартномасининг бекор қилинишига сабаб бўлади.

12. Иккиламчи ижарага бериш шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш тарафларнинг келишувига кўра, бундай келишувга эришилмаган тақдирда, суднинг қарорига кўра амалга оширилади.

13. Иккиламчи ижарачи муомалага лаёқатсиз деб топилганда шартноманинг амал қилиши қонунда белгиланган тартибда ва шартларда тўхтатилади. Бундай ҳолларда ижарачининг оила аъзоларидан бири ижара шартномаси тузишда устун ҳуқуққа эга бўлади.

VI. Низоларни ҳал қилиш ва томонларнинг жавобгарлиги

14. Шартномада назарда тутилган ер участкасини топшириш муддати бузилган тақдирда, ижарачи иккиламчи ижарага олувчига ҳар бир кечиктирилган кунлари учун шартноманинг умумий қийматининг Шартномадаги мажбуриятлар бузилган тақдирда ижарачи иккиламчи ижарага олувчига ҳар бир кечиктирилган кунлари учун шартнома умумий

қийматининг нечи фоизи миқдорида жарима тўлайди % ҳажмида жарима тўлайди.

15. Ушбу шартномада кўзда тутилган ер участкасини қайтариш муддатини бузган тақдирда иккиламчи ижарага олувчи ижарачига ҳар бир кечиктирилган кунлари учун шартноманинг умумий қийматининг Шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда иккиламчи ижарага олувчи ижарачи ҳар бир кечиктирилган кунлар учун шартнома умумий қийматининг нечи фоизи миқдорида жарима тўлайди % ҳажмида жарима тўлайди.

16. Иккиламчи ижарага олувчи томонидан ижара ҳақи муддатида амалга оширилмаган тақдирда, у ижарага берувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган ижара ҳақининг Иккиламчи ижарага олувчи томонидан ижара ҳақи муддатида амалга оширилмаган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган кун учун неча фоиз миқдорида пеня тўлайди % ҳажмида пеня тўлайди.

17. Ушбу шартнома шартлари бузилиши бўйича томонлар ўзаро келишув асосида, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса суд тартибида ҳал қилинади.

VII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

18. Ушбу шартноманинг бирон бир тарафларининг иродаси, истагларига зид бўлган вазиятлардан ёки олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлардан келиб чиқиб мажбуриятлар бажарилмаганлиги, тарафларни жавобгарликдан озод қилади. Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланиши лозим.

VIII. Якуний қоидалар

19. Ушбу шартнома уч нусхада тузилиб, биринчиси “ижарага берувчи”га, иккинчиси “иккиламчи ижарага олувчи”га, учинчиси ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш органига тақдим этилади.

Томонларнинг реквизитлари:

Ижарага берувчи:

Манзил:

Банк:

Ҳ/Р:

СТИР:

Телефон:

Ижарага берувчи
номидан иш олиб
борувчи шахсининг
лавозими ва Ф.И.О.си

Ижарага олувчи:

Манзил:

Банк:

Ҳ/Р:

СТИР:

Телефон

Ижарага берувчи
номидан иш олиб
борувчи шахсининг
лавозими ва Ф.И.О.си